

Қарақалпоғистон Республикаси худудий бошкармаси “Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси”, бир томондан Низоми асосида иш юритувчи директор Мадатбаев Р. бундан кейин “Буюртмачи” деб номланади ва «Taza suv» МЧЖ бундан кейин “Бажарувчи” деб номланади Устав асосида иш юритувчи директор Атабаев К. бошқа томондан, ушбу шартномани туздилар:

### 1. Шартноманинг мавзуси

- 1.1. Тахиатош тумани “Жайхун” МФЙ худуди “Керамзит”, “Қазақ ауыл” аҳоли пунктлари ва “Айдин жол” МФЙ худудининг ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
- 1.2. Буюртмачи кўрсатма беради ва молиялаштиради, бажарувчи ишларни ШНК 1.03.01-16 Корхоналар, бинолар ва иншоотларни капитал қуриш учун лойиҳа ҳужжатларини таркиби, ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартиби асосида бажарилишини ўз зиммасига олади ҳамда ШНК 1.03.07-2010 Қурилишда меъморий-техник назорат тўғрисидаги низом талаблари асосида муаллифлик назоратни юритади.
- 1.3. Шу билан бирга, Бажарувчи барчалойиҳа олди ва давлат ҳамда экологик экспертиза ҳулосаларини олишни ўз зиммасига олади.
- 1.4. Шартномани бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.
- 1.5. Бажарувчи буюртмачининг ёзма розилигисиз ишнинг бир қисмини, яъни Бажарувчи томонидан олиб борилмайдиган маҳсус тадқиқот турларини бажариш учун субпурат шартномасини тузишга ҳақлидир.

### II. Тарафларнинг вазифалари.

#### 2.1. Бажарувчи қуидагиларга мажбурдир:

- 2.1.1. Техник топшириқларга ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш, буюртмачи билан бажарилган ишлар (босқичлар) натижаларини мувофиқлаштириш, буюртмачига шартнома бўйича бажарилган барча ҳужжатларни топширади.
- 2.1.2. Бажарувчи буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсга ушбу шартнома бўйича расмийлаштирилган ҳужжатларни топширишга ҳақли эмас.
- 2.1.3. Бажарувчи ушбу обьектда қурилиш – монтаж, таъмирлаш ишлари якунлангунига қадар муалифлик назоратини олиб боради ва шу жараёнда асосли бўлган ўзгаришларга белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштиради.

#### 2.2. Буюртмачи қуидагиларга мажбурдир:

- 2.2.1. Иш бошланишидан олдин, бажарувчига ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичиди дастлабки ишлаб чиқилган ҳужжатларни (техник топшириқларни) тақдим этади.
- 2.2.2. Ушбу шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларида назарда тутилган тартиб ва шартларига асосан бажарувчига белгиланган шартнома қийматини тўлайди.
- 2.2.3. Буюртмачи бажарувчига ишларни бажариш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни тақдим этишга мажбурдир.
- 2.2.4. Буюртмачи ишлаб чиқилган ҳужжатлар (войиҳа-смета ҳужжатлар)ни фақат ушбу обьект учун пуратчига топширишга ҳақлидир, войиҳа-смета ҳужжатларини бошқа ташкилот ва шахсларга бериш фақатвойиҳалаш ташкилотининг розилиги билан амалга оширилади.

### III. Шартноманинг қиймати ва тўловларни амалга ошириш тартиби.

- 3.1. Ушбу шартнома бўйича бажарувчи томонидан бажарилган ишлар қиймати 1-илова нархларни келишув баёнига асосан ҚҚС билан, **68 200 000,0сўм.** (Олтмиш саккиз миллион икки юз минг сўм).
- 3.2. Буюртмачи бажарувчига шартнома умумий қийматининг 30% миқдорида бўнак ўтказишни ўз зиммасига олади.
- 3.3. Бажарувчи ҳисоб рақамига бўнак тўловлари келиб тушгандан сўнг ишларни бошлайди.
- 3.4. Буюртмачи шартнома суммасининг қолган қисмини бажарилган ишлар учун ҳисоб-фактура иккала томон имзолаганидан кейин ва тасдиқланган манзилли дастурга мувофиқ молиялаштиради.

#### **IV. Ишларни етказиб бериш тартиби**

- 4.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш ва расмийлаштириш техник топшириқ талабларига мувофиқ белгиланади.
- 4.2. Бажарувчи томонидан расмийлаштирилиши ва буюртмачига тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқ билан белгиланади.
- 4.3. Бажарувчи ишларни якунлагандан сўнг, буюртмачига техник топшириқда назарда тутилган ҳужжатлар тўпламини илова қилган ҳолда ишни топшириш қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.
- 4.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб \_\_\_\_ кун.
- 4.5. Иш бошлаш вакти - бўнак тушган кунидан бошлаб
- 4.6. Буюртмачи бажарувчидан техник топшириқда кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилишни ўз зиммасига олади;
- 4.7. Агар бажарилган ишда нуқсонлар аниқланса, бажарувчи уларни бартараф этиб, сўнгра 10 кун ичида тузатилган ишни буюртмачига топширишга мажбурдир.

#### **V.ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.**

- 5.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида топширмаган тақдирда, Буюртмачи шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.
- 5.2. Буюртмачи бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишни бажаришни бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйган ҳолларда, Бажарувчи шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир;
- 5.3. Ушбу шартномани бекор қилишни бошлаган томон иккинчи томонга ёзма равишда хабар юборади.
- 5.4. Шартнома бекор қилинганда айбордor томон иккинчи томонга етказилган зарарни қоплаш учун шартнома қийматига нисбатан белгиланган миқдорда жарима тўлайди.
- 5.5. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қойдасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юбориб, белгиланган тартибда бир томонлома шартномани бекор қилиш ҳукуқига эга.

#### **VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

- 6.1. Мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги ёки лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида етказиб берилмаганлиги учун, буюртмачи фойдасига бажарувчидан бажарилмаган иш ҳажмининг 0,5% миқдорида пеня ушлаб қолинади. кечикирилган ҳар бир кун учун. Бундай ҳолда, пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 6.2. Иш учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, буюртмачи бажарувчига ҳар бир кечикирилган кун учун кечикирилган тўлов миқдорининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий миқдори кечикирилган сумманинг 50% дан кўп бўлмаслиги лозим.
- 6.3. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун бажарувчи ва буюртмачи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мулкий жавобгарликни ўз зиммаларига олади.

#### **VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

- 7.1 Томонлар ўртасида хўжалик шартномаларини бажариш, ўзgartiriш ва бекор қилишдан келиб чиқадиган низо, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар музокаралар йўли билан, шунингдек даъво тартибida ҳал этилади.
- 7.2. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув йўли билан ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Нукус туманлараро иқтисод суди томонидан кўриб чиқиласdi.

#### **VIII.ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ ҲОЛАТЛАРИ (Форс-мажор)**

- 8.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бу табиий ҳодисалар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар натижасида юзага келган бўлса ва ушбу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир қилган бўлса:

Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати форс-мажор ҳолатлари кучга кирган даврга, шунингдек ушбу ҳолатлар келтириб чиқарган оқибатларга мутаносиб

- равища кейинга қолдирилади.
- 8.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўпроқ давом этса, бажарувчи ва буюртмачи ишни давом эттириш ёки уни сақлаб қолиш учун қандай чоралар кўриш кераклигини муҳокама қиласди.
- 8.3. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, унда томонларнинг ҳар бирин шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.

## XI .БОШҚАШАРТЛАР

- 9.1. Ушбу шартнома ҳудудий ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.
- 9.2. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилган:
- 9.3. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат томонларнинг ўзаро розилиги билан амал қиласди ва қўшимча битим шаклида амалга оширилади.


## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

### Буюртмачи:

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошкармаси “Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича инжинииринг компанияси”

Нукус шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 59/16  
ш/ф:  
СТИР 305974651, ИФУД 42210.  
ЎР Ғазначилиги х/р: 23402000300100001010  
Ташкент шаҳри Марказий банки  
СТИР:201122919 Банк коди:00014

Директор \_\_\_\_\_ Р.Мадатбаев

M.U. (имзо)  

Юрист \_\_\_\_\_ Т.Казиев

### Бажарувчи:

«Taza SUV» МЧЖ

г. Нукус ул. Бердах гузары №177а

Расчётный счёт:

20208000004175222001 Национальный

банк г. Нукус

ИНН:203881155 МФО:00582

ОКЭД:71120

телефоны: 99-450-92-90, 99-450-92-91

### Директор: Атабаев К.

M.U. (имзо)

